

ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНГАН ҲОЛДА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШНИНГ СИФАТИНИ ОШИРИШ

Т. Мардиев¹

Аннотация:

Хорижий тилларни ўқитишнинг сифатини янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим сифатини ошириш, ўқувчиларга хорижий тилларни ўрганиш ва ўзлаштириш жараёнини янада самарали ва қизиқарли қилишга имкон беради. Интерактив дарсликлар, онлайн таълим платформалари ва бошқа инновацион технологиялар орқали ўқувчилар ўзларини қизиқарли анимациялар, видео материаллар ва аудио дарсликлар орқали маълумотларни осон ва самарали ўрганишлари мумкин.

Калит сўзлар: чет тили, методика, технология, инновация, кўникма, малака.

doi: <https://doi.org/10.2024/6559j359>

Кириш: Маълумки, замонавий ҳаётини технологияларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, айниқса хорижий тилларни ўрганишда технология ва инновацияларнинг роли жуда муҳим ҳисобланади. Умуман олганда тил ўрганиш кишилиқ жамиятида бағоят муҳим соҳалардан бири ҳисобланади. Мулоқот воситаси бўлмиш тилни табиий муҳитда яъни оилада, жамоада уй ишган ҳолда эгаллаш мумкин. Ҳозирги давр таълим тараққиёти янги инновацион педагогикани келтириб чиқарди. Инновацион – инглизча “янгиликни киритиш (тарқатиш)” маъноларини англатади. Янгилик киритишнинг ижтимоий-психологик аспекти Америка тадқиқотчиси Э.Роджерс томонидан ишлаб чиқилган. У янгилик киритиш жараёни қатнашчиларининг таснифи, уларнинг янгиликка бўлган муносабати ва бошқаларни ўрганган. Илмий йўналишларда янгилик ва инновация тушунчалари ўзаро фарқланади. "Янгилик" - бу восита, янги метод, методика, технология маъносини англатади. "Инновация" бу таълим, маълум босқичлари бўйича ривожланадиган жараён ҳисобланади [4,129]. Таълим соҳаларига илғор, замонавий инновацион технологияларнинг кенг татбиқ этилиши ҳам хорижий тилларни ўрганаётган ёшлар учун кенг имкониятлар, марралар эшигини очди, десак хато бўлмайди.

Бизга аёнки, мамлакатимизда таҳсил оладиган ўқувчи ва талабалар одатда камида уч тилни ўрганадилар. Ушбу тиллар махсус номлар билан юритилади. Булар қуйидагилар: она тили, иккинчи тил, ва хорижий тил. Она тили кишининг тафаккури шаклланишида алоҳида хизмат ўтайдиган биринчи тил ҳисобланади. Иккинчи тил ҳақида сўз юритилганда, унга бошқа миллат вакилларидадан иборат қардошлар, қўшнилар тили сифатида қаралади.

Хорижий тиллар эса бизга қардош бўлмаган ўзга мамлакатларнинг она тилидир. Айни пайтда юртимизда Ғарбий Европа (инглиз, испан, немис, фаранцуз) тиллари ва Шарқ (араб, турк, форс, хитой, ҳинд) каби тиллар ўқитилиб келинмоқда. Биз таълим

¹ *Т.К.Мардиев, СамИСИ доценти*

масканларимизда Она тилимизни, иккинчи тилни ва қолаверса хорижий тилларни ўрганиб, унда кўпроқ мулоқат қилишда ҳаракат қиламиз. Хорижий тилларини ўқитиш методикаси фан сифатида тахминан 200 йилдан ортиқ тарихга эга. Бу давр ичида хорижий тил ўқитиш методикасига турлича муносабатлар билдирилганини кузатиш мумкин. Методиканинг асосий тушунчалари метод, усул, принцип. Дидактикада- нимани ўргатамиз? Бу асосан ўқитиш мазмуни ҳисобланади. Методика у ўзи нима? Бу албатта таълим усуллари ва методлари демакдир. Метод методика тушунчаси грек-лотинча "metodos-"methodus" сўзидан олинган бўлиб, маълум мақсадга элтувчи йўллар, усул маъносини англатади [1,154]. Турли адабиётларда атаманинг тор ва кенг маъносини учратиш мумкин. "Методика" атамаси тор маънода таълимнинг конкрет дарс жараёни билан боғлиқ тушунчани англатади. "Метод" атамаси кенг маънода ўқув материални танлаш, табақалаш ва тақсимланишни назарда тутаяди. Методика тарихга оид адабиётларини чуқурроқ ўрганиш шуни кўрсатадики, айрим тадқиқотчилар методикани санъат дейдилар. Улар одатда француз методисти Пенлаш фикрига ишора қиладилар, яъни "яхши" ёки "ёмон" метод йўқ "яхши" ёки "ёмон" ўқитувчилар бор. Бундай фикрдаги кишиларга немис методисти Э.Оттонинг 1924-йилда баён қилинган фикрлари билан жавоб бериши мумкин. У жумладан шундай дейди: "Агар кимки методикани санъат деб ҳисоблар экан, у фан назариясини унинг амалда қўлланиши билан қориштириб юборади" [2,89]. Умуман олганда, чет тилини ўқитиш методи дейилганда, чет тилини ўргатишнинг амалий, умумтаълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадларига эришувни таъминловчи муаллим ва ўқувчи фаолиятининг мажмуаси тушунилади. Янги педагогик технологиялар, масалан, интерактив дарсликлар, онлайн таълим платформалари ва бошқа инновацион технологиялар, ўқув жараёнини ўрганувчиларга қизиқарлироқ ва самаралироқ қилишга ёрдам беради. Бу технологиялар орқали ўқувчи ўзининг ўрганиш услубини ўзлаштириши, ўзини мустақил ўрганувчига айланиши ва ўзининг маълумотларини амалиётда ишлатиши мумкин бўлади. Бундай технологиялар ўқувчи ва ўқитувчи ўртасидаги алоқани кучайтиради ва ўқувчи қизиқишларини енгиллаштиради. Ўқувчилар интерактив дарсликлар орқали қизиқарли анимациялар, видео ва аудио материаллар орқали маълумотларни осон ва самарали ўрганишлари мумкин. Бунинг натижасида ўқувчилар мотивацияси ошади ва таълим сифати ҳам кўтарилади. Бошқа тарафдан, янги педагогик технологиялар ўқитувчиларга дарсни тайёрлаш ва ўқувчиларни ўрганиш жараёнини мониторинг қилишда ёрдам беради. Улар ўқитувчиларга маълумотларни бошқариш ва таълим жараёнини мустаҳкамлашда катта имкониятлар, ўқувчиларнинг маълумотларни амалиётда ишлатишига ёрдам беради.

Хорижий тилини ўқитиш методикасида ҳозирда маданияталараро мулоқот ибораси кенг қўлланиб келмоқда. Айнан бу тушунчани биз турли хилдаги контекстларда қўллашимиз мумкин. Аслида эса: Маданиятлараро мулоқот турли маданият вакилларининг ижтимоий келиб чиқиши, менталитети, миллий характери, ҳаёт тарзи, урф-одатлари, кадриятлари системаси ва бошқалар тўғрисидаги мулоқоти-маълумотидир. Мазкур жараёнда ўқувчи-талабаларни ўрганилаётган мамлакат маданиятига нисбатан ҳурмат, сабр-тоқат қилиш ва ўзга мамлакат маданиятини тўғри тушуниш руҳида тарбиялаб, ривожлантириб бориш лозим. Маданиятлараро мулоқот формуласи сабрлилик, бағрикенглик ҳисобланади. Маданиятлараро мулоқотда ижтимоий-маданий хатоларга йўл қўймаслик талаб этилади. Масалан, инглиз халқида, " Tea or coffee?" яъни "чойми ёки кофеми" деган саволга она тилимизда, "Теа", "чой"- деб жавоб берамиз, лекин инглиз тилида эса бундай жавоб тоғри келмайди. Инглиз тилида, "Please, Tea" яъни, "Марҳамат, чой" деб

жавоб берилади. Сўз кишиларни мулоқот орқали бир-бирига боғлайди. Янги материални бир вақтнинг ўзида барча нутқ фаолияти турларида қўллаш натижасида малака ва кўникма ҳосил қилинади. Мамлакатимизда мана шундай янгиликларни ўрганиш асосида ўқувчиларни ёшлиқдан хорижий тилларини ўрганишлари учун ҳар бир туман ва шаҳардан биттадан мактаблар танлаб олиниб институт ва университетларга бириктириб берилмоқда, олий таълим муассаларида ўқитиш сифатини ошириш мақсадида вазир А.Х.Тошқулов шахсан масъуллигида турли хил машғулотлар, ўқув семинарлари, хорижий таълим муассалари билан ҳамкорлик алоқалари кенгайтирилиб ёшларни илм олишга, чет тилларини ўрганишга бўлган қизиқишларини ошириб боришмоқда. Хорижий тилларни ўқитишнинг сифатини янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим сифатини ошириш учун қуйидаги таклифлар ва тавсиялар берилиш мумкин:

1. Интерактив дарсликлар ва онлайн таълим платформалари: Ўқувчиларга хорижий тилларни ўрганишда интерактив дарсликлар ва онлайн таълим платформалари ёрдамида ўқув жараёнини қизиқарли ва самарали қилиш мумкин. Бу технологиялар ўқувчиларнинг маълумотларни осон ўрганишига ёрдам беради ва уларни мотивациялаш учун фойдали бўлади.

2. Видео дарсликлар ва анимациялар: Хорижий тилларни ўрганишда видео дарсликлар ва анимациялар фойдали бўлади, чунки улар ўқувчиларга визуал маълумотлар орқали ўрганиш имкониятини беради.

3. Ўқувчилар билан интерактив мулоқотлар: Ўқувчилар билан интерактив мулоқотлар орқали ўқитувчилар улар билан алоқа қилиш ва уларнинг саволларга жавоб бермаслигига имкон беради, уларни мустақил равишда ишлатишлари учун илҳомлантиради.

Бу тавсиялар билан бирга, янги педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда хорижий тилларни ўқитишнинг сифатини ошириш учун муҳим усуллар мавжуддир. Бу технологиялар ўқув жараёнини қизиқарли ва самарали қилишда ёрдам ва ўқувчиларнинг хорижий тилларни яхши даражада ўрганишларига имкон беради. Ушбу тафликларнинг маълум бир қисми амалётга ҳам татбиқ этилмоқда ва уларнинг натижалари бизни хурсанд қилади дейишимиз мумкин.

Хулоса

Хулоса қилиб, айтганда таълим сифатини ошириш, юқори даражадаги умумий-касбий маданиятга, ижтимоий фаолиққа, мустақил фикрлашга, ўз вазифаларини қийинчиликсиз ҳал қила олиш қобилиятига эга бўлган етук мутахассисларни тарбиялаш учун бугунги кунда педагог ўқитувчиларимиз замонавий янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланишлари таълим-тарбиянинг сифат ва самарадорлигини оширишнинг асосий омили эканлигини, буни эса давр талаб этаётганлигини тушуниб етишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

[1]. Q.S. Maxmudov, G. L. Shayxislamov. O zbek va xorijiy tillarda antonimlar tavsifi, o'rni va ularning turli jihatdan tasniflanishi. *Science and Education, I (Special Issue 3)*. (2020).415

[2]. B. B. Juraboyev. Nemis tilini o'qitishda kommunikativ yondashuv. *Science and Education*, (2020) (7), 215-220.

[3]. B. B. Jo'raboyev. Ingliz tili darslarida haqiqiy materiallardan foydalanish. *Ta'lim fanlari bo'yicha akademik tadqiqotlar*, (2021). 241-256

- [4]. B.Joraboyev. *Nemis tilida juft otlar va ularning o'zbek tilida ifodalanishi. Science and Education, 1(Special Issue 4). (2020).*
- [5]. *O'zbekiston Respublikasi prezidenti qarori Lex.uz.*<https://lex.uz/acts/-5085887>
- [6]. Nurjahon N. *Epitetning badiiy matnda faollashuv o'rni // Prospects of development of science and education. – 2023. – T. 1. – №. 12. – C. 7-9.*